Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 94 (20. 661) • 1990 йил 22 апрель, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

21 апрель куни Тошкентда большевиклар партиясига 1920-24 йилларда кирган ветеранларнинг учрашуви бўлди. Учрашувни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият барча меҳнаткашлари номидан Ленин чақириғига лаббай деб жавоб берган коммунистларни инқилоб доҳийси таваллудининг 120 йиллиги билан, яқинлашиб келаётган Биринчи май ва Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллиги байрамлари билан самимий табриклади. И. А. Каримов ветеранларга уларнинг ҳарбий жасоратлари, халқ фаровонлиги йўлидаги шавкатли меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди.

Ветеранлар — бизнинг олтин фондимиз, деб таъкидлади И. А. Каримов. Партия уларга таянади, улар билан маслаҳатлашади. Ветеранлар қайта қуришда фаол қатнашар эканлар, жамиятимиздаги барча соғлом кучларни жипслаштиришга, ёшларни Ватанга садоқат, юксак байналмилалчилик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

Партия ветеранларига Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши ҳайъатининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Бугун—Владимир Ильич Ленин таваллудининг 120 йиллиги

ҚАЙТА ҚУРИШ ЛЕНИНИЗМГА ҚАЙТИШ ДЕМАКДИР

Шарқ донишмандларининг айтишларича даҳолар минг йилда бир туғилар эмиш. В. И. Ленин, унинг курашларга тўла ҳаёти, инқилобий жўшқин фаолияти, улкан ва ҳамиша барҳаёт таълимоти ҳамда беназир инсоний фазилатлари хусусида ўйлар эканмиз, беихтиёр ҳаёлимиздан ана шу фикр ўтади.

Владимир Ильич ўзининг беқиёс назарий қудрати, сиёсий донолиги ва ҳушёрлиги, тенгсиз мустаҳкам ирода ва фавқулодда жасурлик ҳислатлари билан омманинг диққатини ўзига тортди. У инсоният тарихида биринчи бўлиб халқ билан ўз ҳаётини чамбарчас боғлаган, халққа таяниб иш тутган, унинг орзу-умиди билан яшаган раҳбар эди.

Одамлар билан ишлашда В. И. Ленин шахсий манфаат тўлалигича жамият манфаатларига бўйсуниши лозим деб ҳисобларди. Иш манфаатлари доимо шахсий манфаатлардан устун туриши лозим. Ленин бутун ҳаёти давомида ана шундай шиорга амал қилди. У одамларнинг ҳақиқий бажарган ишини назорат қилиб туришни бутун партия фаолиятининг асоси деб ҳисобларди. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг мажлисларини аввалги қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини текширишдан бошлашга одатланган эди. Агар у бирор ишни бажаришда сансалорлик, пайсалга солиш ҳоллари юз бераётганлигини сезиб қолса, дарҳол ўзининг кескин мулоҳазасини айтарди.

В. И. Ленин ҳар бир раҳбар аввало, ишчан, аҳил коллектив яратишга, одамларни тўғри танлай билишга интилиши лозимлигини уқтирарди. «Раҳбар коммунист раҳбарликка бўлган ҳуқуқини ўзига кўплаб ва яна кўплаб ёрдамчилар топа билиши, уларга ишда юқори лавозимларга кўтарилишда тажрибаларини кўрсатиб бериш ва ҳисобга олишда кўмаклашиши билан исботлай билиши керак», деган эди у. Доҳий доимо кадрларни ҳалоллиги, сиёсий етуклиги, ишбилармонлиги, раҳбарлик қобилиятига қараб танлашга жиддий эътибор берар ва ўзгалардан ҳам шуни талаб қиларди.

Давлат аппаратини ленинча бошқариш, раҳбарликнинг ленинча услуби том маънода ибрат ва намуна мактабига айланди. Бу услуб нафақат ўзининг бой таълимоти билан, балки бутун ҳаёти, ҳатти-ҳаракати, воқеаларга ва ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараши, уларнинг моҳиятини тез англаши билан социалистик жамият равнақини таъмин этувчи раҳбарга ҳамиша намунадир.

Ўртоқ М. С. Горбачев Франция телевидениесининг «Сизнинг фаолиятингизда муомаланинг янгича услуби, раҳбарликнинг янгича методи, яъни «Горбачев услуби» борми!» деган саволига қуйидагича жавоб берганди: «Мен «Горбачев услуби» йўқ деб ўйлайман... Партиямиз ўз фаолиятида ленинча иш услубларига таянади. Бу услуб меҳнаткашлар билан кенг мулоқотга, ишда ошкораликка, сиёсатни белгилашда аниқ асосларни ҳисобга олишга таянади. Ленин бизнинг партиямизни мана шундай ишлашга ўргатган эди. Мен мана шу услубни қўллаб-қувватлашнинг қизғин тарафдориман. Ленин намунаси бу энг яхши намуна. Биз Ленин йўлидан борамиз ва унинг иш услубидан фойдаланамиз».

Афсуски, В. И. Ленин вафотидан сўнг партия ва давлат раҳбарлари унинг кўрсатмаларига ҳамма вақт ҳам амал қилавермадилар. «Ҳамиша одамлар орасида бўлиш, ҳамма нарсада одамлар билан маслаҳатлашиш лозим» деган энг муҳим ва энг оддий васиятини ҳам унутдилар. Оғизда марксизм-ленинизм назарияси ҳақида кўпдан кўп гапирдилару, амалда унга таянмадилар. Аста-секин раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳукм топиб, илдиз ота бошлади. Яккахокимлик, кенг жамоатчилик билан ҳисоблашмаслик, ўз манфаатига мос келадиган тарзда қарорлар чиқариш сингари хатолар кўпайиб борди. Ленинча раҳбарлик принципларидан чекиниш совет халқига, мамлакатимизга қанчалик қимматга тушганлиги энди ҳеч кимга сир эмас.

Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб, жамият тараққиётини янги тарихий шароитларда назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, уни ленинча таълимот билан бойитиб, ленинча иш услубига қайтишни ўзида мужассам этади. Ўтмишни танқидий ўрганиш, босиб ўтилган йўлга танқидий назар билан қараш бу бизнинг, социализмнинг камчилиги эмас, балки нуқсонларни бартараф этишга ленинча жасурлик ва мардлик билан киришишнинг тарихий тақозосидир. Зеро, «Биз аввало социалистик принципларга мувофиқ келмайдиган авторитар-бюрократик системадан воз кечамиз. Бизнинг олий мақсадимиз инсоний, демократик социализмдир»,— дейиладн КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида.

Жамиятимиз ҳаётида тобора чуқурроқ илдиз отаётган кенг ошкоралик ва демократия фикрлар хилма-хиллигига, мунозаралар жўшқинлиги ва эҳтиросларнинг тўқнашувига сабаб бўлмоқда. Бу бир жиҳатдан жамиятимизнинг, социалистик тузумнинг маънавий соғломлашиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан эҳтирос билан яшайдиган ва ҳар қандай нуқсонни фошлашга айлантирадиган кишилар учун катта минбарга айланиб қолди. Кейинги йилларда демократияни хоҳлаган хатти-ҳаркатга айлантираётган, ошкораликни оғизга келган ҳар қандай гапни гапириш, деб тушунганлар марксизм-ленинизм таълимотига ҳам тош отишгача бориб етдилар. Бундай кишилар узоқ йиллар мобайнида ўзларининг илмий ва назарий фаолиятиларида катта ижодий ютуқларга эришолмай ҳамда илмий янгиликлар қилишга қурблари етмаганидан бутун бир таълимотни йўққа чиқариш билан ном қозонишга интилмоқдалар.

Аксинча, Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти бир-бирини ғоявий-назарий ва амалий жиҳатдан тўлдирган, том маънода шаклланган, социализмнинг бутун қонуниятларини ва бош концепциясини ишлаб чиқиб, уни асослаб берган таълимотдир. Чунки жаҳонда биринчи социалистик жамият бўлган мамлакатимиз ўзининг энг оғир пайтларида ҳам, халқ бошига мисли кўрилмаган мусибатлар тушган вақтларда ҳам афзалликларини тўла намоён қилди. Халқ социализмдан бошқа жамиятда афзалроқ яшай олмаслигига амин бўлди. Уни ҳар қандай ёвузликлардан ҳимоя қилди.

Бизнинг етмиш йиллик тарихимиз таҳлили шуни ҳам кўрсатдики, ўтган даврда биринчидан, марксизм-ленинизм таълимотини тўла ва чуқур тушуниб етишга кам эътибор бердик. Ўзимизни уларнинг издошлари, улар ишининг давомчилари деб эълон қилдигу, амалда бутунлай ленинизмга зид ишлар билан шуғулландик. Сиёсий, иқтисодий, социал, ҳуқуқий ва миллий масалада жиддий камчиликларга йўл қўйдик. В. И. Ленин асрларини қайта-қайта чоп қилиб, жовонларга териб қўйдик-ку аммо уларни синчиклаб ўқимадик ва ўқимадик. Иккинчидан, мансаб пиллапояларига ишқи тушганлар ўзларининг ана шу мансабга маънавий жиҳатдан муносиб ё муносиб эмаслигидан қатъи назар партия сафига киришга интилдилар. Доҳийнинг «Партия—давримизнинг ақл-идроки, шан-шарафи ва виждонидир» деган сўзлари ёзилган партия билетини чўнтакларига солиб олиб ўз манфаатларини жамият ва умумхалқ манфаатидан устун қўйдилар. Халқ ҳаётини, унинг севинчу ташвишларини, қалбида тўпланиб қолган дарду ҳасратини суриштиришмади. Шахсий фароғат устунлик қилди. Ана шу тарзда халқ билан партия ўртасидаги бирлик узилибгина қолмай, улкан жарлик ҳам пайдо бўлди. Оламшумул таълимотларни яратиб, жаҳонда биринчи Коммунистик партияни ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган устоз таълимоти чеккага суриб қўйилди.

Ўзимизнинг социализм табиатига бутунлай зид бўлган хатти-ҳаракатларимиз билан жаҳонда биринчи социалистик инқилобни ташкил этган, унинг ғалабасини таъминлаган ва социалистик жамиятни қуриб, халқ бахт-саодатини ўзининг бош фаолияти деб белгилаган Коммунистик партияни обрўсизлантириб қўйдик. Бугун мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам Ленинга, унинг бутун назарий меросига тош отаётганлар бизнинг ана шу камчиликларимиздан фойдаланмоқдалар. Биз уларга йўл очиб бердик. Ҳатто ғоявий мухолифларимиз шу даражага бориб етдиларки, улар инсоният тарихидан социализмни бутунлай йўқ қилишни баралла гапирмоқдалар. Капитализмни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилмоқдалар.

Воқелик, ҳозирги тарихий жараён Ленинга, унинг таълимотига янгича ёндашувни тақозо қилмоқда. Биз доҳий қолдирган улкан назарий меросни ипидан игнасигача чуқур ўрганишни йўлга қўйишимиз лозим. Тўғри, доҳий таълимотидаги айрим белгилар ва фикрлар эскириб қолганлигини ҳам тан олишимиз керак. Инқилоб ғалаба қилган даврларда ва янги социалистик тузум барбод бўлиш хавфи туғилган пайтларда кундалик ишлар ва яқин кунларда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар хусусидаги фикрлар ўз вазифасини ўтаб қўйган бўлиши мумкин. Уларга улкан таълимот сифатида эмас, ўша давр тарихини белгиловчи ҳужжат деб қараш керак. Умуман эса Владимир Ильич социалистик жамиятнинг бош йўналишини, унинг назарий ва амалий қирраларини ҳар томонлама чуқур таърифлаб берганки, уни тан олмаслик мумкин эмас.

Марксизм-ленинизм назарияси жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган воқеалар асосида ва жаҳон социализмининг янгиланиши жараёнида тўпланаётган беқиёс қадриятлар ҳисобига бойитилиши муқаррар. Бу билан Ленинни, унинг мангу барҳаёт таълимотини таъна-тошлардан ва маломатлардан асрабгина қолмай балки бу ғояларни ривожлантириб, бугунги кунга хизмат қилишига эришилган бўлади.

Янгича тафаккур ва янгича фикрлаш тарзи тобора мустаҳкам қарор топаётган ҳозирги пайтда биз ленинизмга қайтмоқдамиз. Ўзимизнинг кундалик фаолиятимизда ленинча иш услубини қарор топтиришга интиляпмиз. Социализмнинг кенг имкониятларини, халқпарвар ва адолатпарвар принципларини тобора кўпроқ ҳаётга жорий этмоқдамиз. Бу жумҳуриятимизда кейинги йилларда содир бўлаётган воқеаларда ҳам намоён бўлмоқда. Раҳбарликнинг халқ билан яқинлашуви, омма ва давлат аппарати ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланиб боришн бутун социализмнинг соғломлашиб, тобора ривожланаётганидан далолат беради. Социал адолат ҳаётимизда қарор топиб борганн сари жамиятнинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий қиёфаси тиниқлашиб, унинг равнақи тезлашади.

СОЦИАЛИЗМ БУЮК НЕЪМАТДИР! ХАЛҚИМИЗГА БУ НЕЪМАТНИ ЛЕНИНИЗМ БЕРДИ. ДЕМАК, СОЦИАЛИЗМ ЯНГИЛАНИБ, КУЧГА ТЎЛИБ БОРГАНИ САРИ ЛЕНИНИЗМ ТОБОРА ЕШАРИБ, ҲАЁТИМИЗНИНГ АСЛ МАЗМУНИГА АЙЛАНАВЕРАДИ.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН.

1990 йилги Ленин мукофотлари

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг 1990 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Мукофотлар қуйидагиларга берилди:

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Новосибирск органик химия институтининг директори, академик Валентин Афанасьевич Коптюгга, химия фанлари доктори, етакчи илмий ходим Владимир Александрович Бархашга, химия фанлари докторлари, лаборатория мудирлари, ўша институтнинг ходимлари Виталий Давидович Штейнгарцга, Вячеслав Геннадьевич Шубинга — карбокатионлар тузилиши ва реакцион хусусиятини фундаментал тадқиқ этганликлари учун.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Новосибирск биоорганик химия институтининг директори, академик Дмитрий Георгиевич Кнорреге, химия фанлари доктори, Бутуниттифоқ гематология илмий маркази гематология ва биотехнология экспериментал илмий-тадқиқот институти лабораториясининг раҳбари Нина Ивановна Гриневага, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими цитология ва генетика институти директорининг ўринбосари Рудольф Иосифович Салганикка, химия фанлари доктори, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг профессори Зоя Алексеевна Шабаровага — генетик тузилмаларни модификациялаш асосларини яратганликлари учун.

СССР Фанлар академияси ахборот муаммолари институти дирекцияси ҳузуридаги маслаҳатчи, академик Владимир Семенович Пугачевга — бошқарув жараёнлари статистик назариясига доир асарлари учун.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг 1990 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Мукофот қуйидагиларга берилди:

Қабарда-Балқария халқ шоири, (марҳум) Қайсин Шуваевич Қулиевга — кўп миллатли совет адабиётига жуда катта ҳисса қўшганлиги, ўзига хос бадиий услуби ҳамда социалистик жамият маънавий ҳаётида халқ анъаналарини ривожлантирганлиги учун.

Режиссёр, РСФСР халқ артисти (марҳум) Андрей Арсеньевич Тарковскийга — кино санъатини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшганлиги, умумбашарий қадриятлар ва инсонпарварлик ғояларини қарор топтиришга кўмаклашувчи новаторона асарлари учун.

ОРТИҚЧА ДАБДАБА ВА ШОВ-ШУВ ҚИЛМАЙ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН ШАНБАЛИК БЎЛИБ ЎТДИ.

Бу шанбалик ким ва нима қилиши тўғрисида «юқоридан» буйруқсиз ўтганлигини ҳам айтмоқчи эдик. Лекин ЎзТАГ мухбирларининг вилоятлардан юборган хабарларига қараганда, маъмурий-буйруқбозлик усули ҳали ҳамма ерда ҳам ўрнини бўшатмаганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон Ахборот Агентлигида қайси аҳлат қутиларини бўяш ва қанча квадрат метр суғориш шахобчаларини тозалаш хусусида кўрсатма келганида ажабланишди. Бу майда-чуйда гапларга аҳамият бермаса ҳам бўлаверади. Барибир, бу галги шанбаликни аввалги барча шанбаликларга ҳеч бир қиёслаш мумкин эмас.

Шанбалик арафасида барча даражалардаги кўпдан-кўп штаблар бўлмаса ҳам, барча босқичларда раҳбариятнинг телефон орқали кўрсатмалари ҳамма ерга берилаверган бўлмасада, Ўзбекистон меҳнаткашлари меҳнат байрамига чиқдилар ва аввалгига қараганда янада яхшироқ ишладилар.

Бу гал биз миллионлаб кишилар ким учун ва нима учун ишлаётганликларини тушунмайдиган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги ўрнига бошқача шанбалик келганини ҳис этдик, **ўзимиз учун** ўз коллективларимизнинг эҳтиёжи учун ишладик. Ленин «Буюк почин»ининг асосий маъноси шунда эмасмикан?

Шанбаликда ҳеч ким ўз мажбуриятларини ошириб бажаришга интилмади. Бундай мажбуриятнинг ўзи йўқ эди. Одамлар иш билан шуғулландилар, цехларда, турар жойларда, завод ва фабрикаларнинг ҳудудларида тартиб ўрнатдилар. Минглаб одамлар биноларни ремонт қилиш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш мақсадида шаҳар ташқарисидаги пионер лагерлари ва шифохоналарга йўл олдилар.

Жумҳурият меҳнаткашларининг кўпчилиги ўз иш жойларида меҳнат қилишди. 21 апрель куни миллион сўмлик маҳсулот чиқарилди.

Мухбирларимиз юборган бир неча хабарлардан мисоллар келтираман:

Тахиатош ёғоч савдоси бирлашмасининг коллективи ишлаб топилган 500 сўм пулнинг ҳаммасини Оролни қутқариш жамғармасига ўтказишга қарор қилди, — деб ёзади Владимир Луценко Нукус шаҳридан. — Ўзбекистондаги ҳар бир меҳнат коллективи ана шу хайрли ишга ўзининг кичик ҳиссасини қўшса, денгизни қутқариб қолиш мумкинлигига бирлашмадагилар ишонишмоқда.

Гулистон пахта тозалаш заводининг коллективи ишлаб топган маблағларни ҳайрия мақсадларига ўтказди. Бу ерда касаба союз комитети ҳисобига минг сўм пул бердилар, деб хабар қилади Герман Огородов. Бу пуллар ишлаб чиқариш ветеранлари ва камбағал оилаларга ёрдам бериш учун сарфланади. Сахийлик, меҳр-мурувват... Бу сўзлар меҳнат коллективларининг ҳозирги шанбалик кунидаги фаолиятини ҳар қачонгидан кўра яхшироқ акс эттиради.

— «Совавто — Термиз» транспорт корхонасининг Собир Исаев бошлиқ бригадаси ҳайдовчилари бугун машиналарига юк ортиб Афғонистоннинг Хайратон ва Мозори Шариф шаҳарларига йўл олдилар. Улар ишлаб топилган барча маблағларни Термизда бунёд этилаётган байналмилалчи жангчилар ёдгорлиги ҳисобига ўтказдилар, — деб хабар қилади Елена Величанская. — Корхонанинг барча ҳайдовчилари ва ремонтчилари улар ташаббусини қўллаб-қувватладилар».

Чирчиқда ҳам худди шундай ёдгорлик қуришга қарор қилинди. Трансформатор заводи коллективи шу мақсадлар учун бир ярим минг сўм пул берди. В. И. Ленин номли Совет болалар фондининг республика бўлими ҳисобига ҳам шунча пул юбордилар.

Шу куни Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи бирлашмасида 10 минг киши ишлади. Улар юз минг сўмлик маҳсулот чиқардилар. Бу пулнинг ярми корхона касаба союз комитети ҳисобига ўтказилади.

— Бу пуллар кўп болали оилаларга ёрдам беришга сарфланади, корхонада ишлаётган якка тартибда уй қурувчиларга қарз тариқасида ажратилади, — дейди бирлашма касаба союз комитетининг раиси И. Икромиддинов.

«Андижон вилоятидаги янги фабрика навбатдаги шоли сана муносабати билан эмас, аксинча аниқ иш жадвали асосида маҳсулот бера бошлади, деб хабар қилди Каримжон Низомов. Бу Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлими Қўрғонтепа районидаги «Саваи» совхоз-техникуми ҳузурида қурилган. Фабрика болалар буюмларини ишлаб чиқаради. Янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши билан қишлоқ мактабларини яқинда битирган қизлар ва уй бекаларидан 200 киши мунтазам ишлайдиган бўлдилар.

Вячеслав Шумайлов Қаршидан юборган хабарида шундай дейилади: «Қаршиирмонтаж» трестининг Умар Улжаев бригадаси шанбалик кунида лойиҳадаги 160 метрли — лойиҳа кўрсатгичига чиқдилар.

Тошкент аҳолиси шанбаликка ҳар қачонгидек аҳиллик билан чиқди. Кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари шу куни тежаб қолинган хом ашё, материаллар, электр қуввати ҳисобидан ишладилар. Улар орасида Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, 3-уйсозлик комбинати бор.

...Ҳа, 21 апрель куни оркестрлар шовқин солмади, шаҳар ва қишлоқлар алвон байроқлар билан безатилмади. Ҳамма ерда ҳам анъанага мувофиқ байрам дастурхонлари ёзилмади. Бунда савдо ходимларининг айби йўқ — ҳаётимиз мураккаб, пештахталаримиз ғариб... Лекин фақат ўзимиз дастурхонимизни ҳам, пештахталарни ҳам яхшилашимиз ва бойитишимиз мумкин. Меҳнат байрами кўнгилдагидек бўлди. Бу галги шанбалик биз қачонлардан бери кутаётган ўша ўзгаришларни бошлаб беришига умид қиламиз.

(ЎзТАГ).



Тошкентдаги «Подёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида шанбаликда 878 киши иштирок этди. Шу куни 64 минг сўмлик маҳсулот яратилди ва корхона ҳудудидаги ҳовли ва майдонлар, йўлкалар тозаланди.

Булар меҳнат байрамида фаол қатнашишди

Суратларда: 1. Корхонанинг илғор ишчилари М. Абжамилов ва Пронишчев. 2. Пешку районидаги Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг тикувчилари Наталья Кузина, Нигора Ҳайитова, Рўза Сулаймонова, Гулноза Турдиева, Маҳбуба Ғаниевалар. 3. Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли совхознинг моҳир механизаторн Тўражон Алимжонов.

В. Молгачев, Ҳ. Қурбонов ва Т. Ҳамроқуловлар олган суратлар.

УЛУҒ ВА МУҚАДДАС ЧАРОҒБОН

ДАХЛДОР ТАҚДИР

Инсон ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, улар бир умрга хотирада муҳрланиб қолади. Ёш улғайиб ўтган йилларга сарҳисоб ясаш пайти келганда хотиранинг хиралашган бурчакларини ўша дақиқаларнинг сеҳрли нури ёритади. Кечмишнинг шодлик ва қайғуга тўлиқ кунларини баҳолаш мезони ҳам ўша онлардан бошланади. Шукурхон аянинг турли саргузаштларга бой ҳаётида 1924 йилнинг қаҳратон январи, улуғ Ленин вафотидан чексиз ғам-аламга ботган Москванинг қорли кўчалари, доҳийнинг мангу уйқуга кетган сокин қиёфаси ана шундай ўчмас из бўлиб қолган.

Анорзор Қуванинг гавжум қишлоқларидан бири — Қалинпўстинда ярим асрдан буён Хоразм шевасида гапирадиган бир аёл яшайди. У эллик йил муаллималик қилди. Қишлоқдан жудаям олис бўлган Улуғ Ватан уруши жангоҳларида замбараклар гумбири авжига чиққан пайтда Шукурхон аядан алифбонинг дастлабки ҳарфларини ўрганган жамалаксоч қизалоқлар ҳозир неварали бўлишган. Қизиқ, тақдирнинг қандай шамоллари кўҳна Хива тупроғида дунёга келган қизни Фарғона заминига учириб келди экан?

— Илон изидай қинғирқийшиқ, ингичка кўчалар, офтоб нурида ялтираган феруза гумбазлар, тик мораларни яхши эслайман, — деб ҳикоя қилади онахон босиқ овозда. — Хива таҳликали кунларни бошдан кечирарди. Жўнайид галалари оч бўри тўдаларидай ҳар тарафдан ёпирилиб Хоразм инқилоби бешигини ғажиб ташлашга уринардилар. Хоразм халқи жумҳуриятининг раҳбари отам Бобожон Отажонов оила даврасида кам бўларди. Аммо биз билан бўлган қисқа муддатли суҳбатларда ҳам рус инқилоби, унинг доҳийси Ленин ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб берардилар. В. И. Ленининг Шарқ халқларига меҳрибон падар, ғамхўр доҳий, уларни мустамлака зулмидан ҳалос этган буюк инсонлигини таъкидлардилар. Ленин ўшандаёқ қалбларимиз тўридан жой олган эди.

Янгича бичимдаги камзул, чакмонлар тикиб тирикчилик қиладиган Бобожон мошинчи (у Хоразмда биринчилардан бўлиб тикув машинаси ишлатгани учун шундай лақаб олган эди) 1919 йилда, ҳали Хивада хон ҳукмрон бўлган пайтда Коммунистик партия сафига кирган эди. Халқ иши учун курашчи Хоразм инқилобини амалга оширишда фаол иштирок этди. Ғалабадан сўнг жумҳуриятнинг раҳбар лавозимларида ишлади. 1922 йил бошидан Хоразм ЧКси раиси бўлди. Сўнгра жумҳурият Вазирлар кенгаши раислигига сайланди. 1923 йил октябридан эса Хоразм Халқ Совет жумҳуриятининг РСФСРдаги мухтор вакили вазифасига тайинланди.

Хоразм элчихонаси Москванинг Арбат кўчасида жойлашган эди. Мухтор вакил ўз республикаси экономикасини ривожлантириш, унинг хавфсизлигини таъминлаш учун Москвада елиб-югуриб ҳаракат қилди. РСФСР ҳукумати раҳбарлари билан фойдали музокаралар олиб борди. Натижада Хоразм ва инқилобий Россия орасида иқтисодий-сиёсий, савдо муносабатлари кучайди. РСФСР ҳукумати Хоразмга ўзини тиклаб олиши учун катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатди. В. И. Ленини Хоразмнинг олий ордени билан мукофотлаш ҳақидаги ташаббус ҳам Б. Отажоновдан чиққан эди. Доҳий тириклигида сазовор бўлган ягона расмий мукофотни унинг яқинларига Хоразм элчиси топширганди. Б. Отажонов рафиқаси ва уч қизи билан Арбатдаги ваколатхона биносида яшарди.

Элчининг қизларига рус ўқитувчилари таълим беришарди. Улар Москвага келганларидан сўнг кўп ўтмай рус тилида бийрон гапира бошладилар. Ваколатхонага М. Калинин, Чичерин, бошқа давлат арбоблари вақтивақти билан келишарди. Ваколатхона тарафидан уюштирилган расмий зиёфатларда элчининг оила аъзолари ҳам иштирок этишарди.

Ленин вафот этган кунлари Москва бирдан чўкиб қолгандай туюлди қизга. Кўчаларда кўз ёш тўкиб йиғлаётган одамлар кўп эди. Совуқ бўлишига қарамай минглаб кишилар, кексалар, аёллар ва болалар кўчаларга чиққан эди. Йўллар четларида катта гулханлар ловуллаб ёнарди.

В. И. Ленин билан видолашиш учун Колонна залига келган Хоразм делегациясига элчи Отажонов бошчилик қилар, ваколатхона ходимлари билан бирга элчининг қизлари ҳам бу ерга келишган эди.

— Ленин тобути унча баланд бўлмаган супа устида турар, атрофи гулларга тўлиб кетган эди, — деб ҳикоя қилади Шукурхон ая, — бизнинг вакилларимиз Хоразм жумҳурияти номидан тайёрланган гулчамбарни тобут ёнига қўйишди. Бир лаҳза тўхтадик... Ленин худди тириқдек ётар эди. Шу дақиқаларда мурғак онгимда жўш урган ҳис туйғуларни ифодалаш қийин... Отам Хоразм халқи номидан фахрий қоровулда турди. Ўша пайтда тобут атрофида турган кишиларнинг ҳаммаси Лениннинг сафдошлари, уни билган ва ҳурмат қилган кишилар эдилар. Ажабо, — хўрсинади ая, — орадан озгина вақт ўтиб мана шу кишиларнинг бири кечаги сафдошларини, Ленинга дахлдор бўлган деярли барча кишиларни оттириб ташлайди, турмаларда чиритади, сургунларда сарсон қилади, деб ким ҳам ўйлабди?!

Хоразм Ўзбекистон ССР таркибига кирганидан кейин ҳам Б. Отажонов бирмунча вақт Москвада, республика вакилларидан бири сифатида турли вазифаларда хизмат қилди. Кейинчалик Ўзбекистонга қайтиб, ер ишлари халқ Комиссарлигида ишлади. 1929 йили у касаллик туфайли пенсияга чиқади. Қатағонлик авж олган 1937 йилнинг 1 февралида бемор, кўзлари деярли кўрмай қолган Б. Отажоновни НКВД ходимлари қамоққа олдилар. У Берия зиндонларида ўлиб кетди. «Халқ душмани»нинг хотини деган хўрликка чидай олмаган рафиқаси Қамарсултон 1941 йилда 48 ёшида вафот этди. Шукурхон эса турмуш ўртоғи — Турғунбой Фармоновнинг юртига — Қувага кўчиб кетди.

— Баъзан ҳозир Ленин, ленинизм ҳақида ижирғаниб гапираётган, ҳатто матбуотда ёзаётган кимсалар ҳам чиқиб қоляпти, — деди Шукурхон Фармонова. — Бироқ бу гапларга қўшилмаслик керак. Мен ўз тақдирим мисолида мана шуни кўраман. Оиламиз бошига тушган мусибат — хўрликларни ҳеч қачон Ленин тузумига алоқадор деб ўйламаганман. Аксинча улуғ доҳий васиятларини қўпол равишда бузиш, Ленинча демократияни оёқ ости қилиш туфайли мана шу жиноятларга йўл қўйилди. Ҳаётимнинг энг оғир дақиқаларида ҳам мен Ленинга таяндим. Ленинизмни ўзимнинг эътиқодим деб билдим. Қайта қуриш туфайли жамиятимизда ленинча демократия, ошкоралиқ қарор топяпти.

Биз ая билан хайрлашар эканмиз, бир фикрга келдик. Унинг тақдири Ленинга дахлдор дейилганда фақат доҳий мотамида қатнашганлиги эмас, балки ленинизмга садоқатини ҳам назарда тутгандик. Шу маънода ўз тақдирини Ленинга дахлдор деб биладиган кишилар минглаб, миллионлаб. Аминмизки, келажакни ана ўшалар яратади.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАЪЛИМОТДАН АМАЛИЁТ САРИ

В. И. ЛЕНИН:

Биз миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини истаймиз, бу тарздаги иттифоқ, бир миллатнинг иккинчи миллат томонидан эзилишига йўл қўймаслиги керак... Тўла ишонч, онгли равишда қардошлик бирлигига ва бус-бутун ихтиёрий розилик асосига қурилган бўлиши керак.

Бугун:

Яқинда ўзбек тилига Давлат мақоми берилди. Бу ленинча миллий сиёсатни қарор топтириш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ биринчи сессияси жумҳуриятни иқтисодий, маънавий ва ижтимоий мустақиллигига эришиш, ҳамда ана шу асосда қардош республикалар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, Совет федерациясига янги мазмун бахш этиш юзасидан қарор қабул қилди.

В. И. ЛЕНИН:

Ишчилар билимсиз — ҳимоясиздир, уларнинг кучи билимда. Революцияда онгли, тушунган ҳолда, муваффақиятли иштирок этмоқ учун ўқимоқ зарур.

Бугун:

1990 йилда 290 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилади.

Ёшларнинг замонавий фан-техника ютуқларини ўзлаштиришларига ҳар доимгидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Улар юқори малакали ихтисосга эга бўлишлари учун нафақат жумҳуриятда, балки мамлакатнинг марказий шаҳарларида, қардош жумҳуриятларда ўқиб касб ва ҳунар ўрганишмоқда. Бунинг учун зарур миқдорда маблағ ва моддий техника базаси яратилмоқда.

В. И. ЛЕНИН:

Бизнинг партия... Деҳқонларга жами ерни дарҳол ўз-қўлингизга олинг, деб маслаҳат беради, деҳқонлар бу ишни мумкин қадар кўпроқ, уюшқоқлик билан, мол-мулкнинг нест-нобуд бўлишига сира йўл қўймасдан амалга оширишлари, ҳамда кўпроқ галла ва гўшт етиштириш учун жуда ғайрат билан ишлашлари лозим.

Бугун:

Мева, сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорва маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан ривожлантириш мақсадида ўтган йили 160 минг гектар энг яхши унумдор ер деҳқонларга бўлиб берилди. 393 минг оила ёки муҳтож бўлганларнинг деярли ҳаммаси биринчи марта томорқа участкаларига эга бўлдилар. Жумҳуриятимизда яна 909 минг оила қўшимча томорқа олди.

В. И. ЛЕНИН:

Биз учун... фан чиндан ҳам тан ва қонга сингиб кетиши, тўла ва ҳақиқий равишда кундалик ҳаётнинг таркибий қисмига айланиши керак.

Бугун:

Ўтган йили Ўзбекистон олимлари 537та мавзуни ишлаб чиқдилар. Шундан 315 таси фундаментал тадқиқот, 308 таси умумиттифоқ программасига киритилди, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти комплекс программасига оид 12 та мавзу бажарилди.

Фан ва техникани ривожлантириш мақсадида иқтидорли ёшларга моддий ва маънавий ёрдам қўлами кескин ошди. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети мамлакатимизнинг энг яхши илмий марказларига истеъдодли ёш олимларни докторантурага юборишни йўлга қўйди. Бу иш учун ҳар қандай маблағ ва ҳатто валюта аямасликка қарор қилинди.

В. И. ЛЕНИН:

Биз биринчи навбатда кенг маънодаги халқ маорифи ва тарбиясини илгари сурамиз. У маданиятга замин яратади... Бизнинг мактабимиз ёшларга билим асосларини бериши, коммунистик дунёқарашни ўзлари шакллантира биладиган кишилар қилиб етиштириши, уларни ўқимишли кишилар қилиб тарбиялаши керак.

Бугун:

Жумҳурият тарихида биринчи марта ўрта мактабларда 1-5 синфлар ўқувчиларини бепул овқатлантириш жорий қилинди. Шу мақсадда бир неча миллион сўм маблағ ажратилди.

Бу йил мактабгача тарбия муассасалари қурилиши 1,7 баравар, мактаблар қурилиши 1,2 баравар кўпайтирилади.

«Бизнинг келажагимиз, Ўзбекистоннинг эртанги куни мактабда. Мактабни бахтли қилсак — эртанги кунимиз ҳам бахтли, саодатли бўлади».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мурожаатномасидан.

В. И. ЛЕНИН:

Ғўзалликни сақламоқ керак, уни намуна сифатда олмоқ, ҳатто у эски бўлганда ҳам унга асосланмоқ лозим. Нима учун биз бундан кейинги тараққиёт учун бошланғич нуқта сифатидаги чинакам нафисликдан юз ўгиришимиз, у фақат «эски» бўлганлиги сабаблигина ундан воз кечишимиз керак.

Бугун:

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги Маффкура комиссияси халқимиз тарихи ва маданий меросини ўрганиш мақсадида «Мерос» ҳаракатномасини ишлаб чиқди ва у тўла амалга ошиши учун зарур ташкилий чоралар кўрилмоқда. Халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини, илмий-бадиий хазинасини янада чуқурроқ ўрганиш йўлга қўйилмоқда. Бу кенг кўламли ишга ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар ва тарихчилар жалб этилган.

ИБРАТ МАКТАБИ

В. И. Ленин меҳнаткашлардан кўплаб хатлар олиб туриши билан бирга Халқ Комиссарлари Совети номига келган ариза ва шикоятларга ҳам дарҳол асосли жавоб берилишини назорат қилиб турар эди. 1919 йил январида В. И. Ленин ХКС ишлар бошқармасига ёзма равишда келган барча шикоятлар тўғрисида ҳар 24 соатда хабардор қилиб туриш ҳақида кўрсатма берди.

* * *

Доҳий ўта камтар ва кўпинча ўзига қарашга вақт тополмас эди. Кийим боши керагидан ортиқча хизмат қилиб эскирганидан уялмасди. Хизматкор аёл бир куни постда турган курсантга ҳасрат қилди:

Ленин ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборди-ю, лекин ўзига тузукроқ костюм тиктириб олмайди. Нуқул у ёқ-бу ёғини ямагани ямаган.

* * *

В. И. Ленин ташаббуси билан Марказий Комитет ва ҳукумат аъзоларининг Москвадаги корхона ва муассасаларда изчил учрашуви йўлга қўйилди. Доҳий байрам арафаларида ҳам меҳнаткашлар орасида бўлиб туришга интиларди. 1919 йил 31-декабрь куни у Н. К. Крупская билан тўрт жойдаги янги йил тантаналарида иштирок этди.

* * *

Ильич ўз олдига келган кишиларни қандай қабул қилиши ҳақида кўплаб хотиралар ёзилган. У одамларни қабулхонада сира куттириб қўймаган. Бордию ичкаридаги суҳбат чўзилиб қоладиган бўлса, секретарь қизни чақириб, қабулхонадаги кишилардан узр сўраб қўйишни илтимос қилган.

* * *

В. И. Ленин одамлар билан муносабатда ойдинликни, аниқликни, конкрет фактлардан иборат исботларни талаб қиларди. Ёлғонга чидай олмасди. «Пролетариат, — деган эди доҳий, — ҳақиқатга муҳтож, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатадиган, манфаатпарастликдан иборат ёлғондан пролетар иши катта зарар кўради. Агар биз қанчалик аччиқ ва оғир бўлса ҳам ҳақиқатни тўғридан-тўғри айтишдан қўрқмайдиган бўлсак ҳамма нарсани, ҳамма қийинчиликларни шубҳасиз ва сўзсиз енгишни ўрганиб оламиз».

* * *

Доҳийнинг одамларга ғамхўрлиги ҳақида кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Чунончи 1921 йилги қаҳатчилик пайтида Волга бўйидаги очликдан азоб тортаётган кишиларга ёрдам фондига у ўзининг Симбирск гимназиясида олган олтин медалини топширганди. Ильич Ф. Э. Дзержинский бурнидан қон келгунча толиқиб ишлаётганини эшитиб, уни икки ҳафта Наро—Фолинескдаги совхозда дам олишга мажбуран юборади. 1922 йили августда ўзи оғир касаллигига қарамасдан Сталинга қуйидаги мактубни ёзади: «Ўр. Сталин! Сизнинг қиёфангиз менга ёқмаяпти. Сиёсий бюродан қуйидагича қарор қабул қилишни сўрайман: «Сталинга пайшанба оқшомидан сешанба тонгигача Зубаловада дам олиш мажбурияти юклатилсин. 16.08. 1922».

* * *

Ленин айниқса оддий одамлар ҳақида кўпроқ қайғурарди. Доҳий ҳақидаги эсдаликларда унинг Семашкодан деҳқон Чекунов учун яхши кўзойнак, Ленсоветидан кекса инқилобчи Скворцов—Степановнинг дам олиши учун шароит яратиш, пулемётчи И. Шульженко оиласига ёрдам бериш ҳақидаги илтимослари қайд қилинади.

* * *

1918 йили 1 мартда Халқ Комиссарлари Совети ишлар бўлими бошқарувчиси В. Д. Бонч-Бруевич. В. И. Лениннинг маошини 500 дан 800 сўмга оширади. Доҳий эса буни ғайриқонуний ҳол деб ҳисоблаб, Бонч-Бруевичга қаттиқ ҳайфсан эълон қилади.

Бағишлов

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалар юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.
Ёруғлик жаҳоннинг бошланғичидир,
Жонини бағишлар нурга парвона.
Сен ёққан чароғнинг машъаласида
Порлади асрлар, замин, замона.

Ғафур ҒУЛОМ.

* * *

Ленин фикри — чақмоқ даҳоси, ишқи
Сатрларга сиғмас — тошқин бир дарё.
Йўлимиз машъали — Лениннинг йўли,
Абадий гул фаслин бахш этди даҳо!

ОЙБЕК.

* * *

...Ленин ўлган. Ундай одамни
Кекса дунё бир кўрган, холос!
Тарих билмас бундай бир дамни,
Бундай мотам бўлмагани рост.
Кўп эскидир олам ва унда
Кўп буюклар ўтгандир, бироқ
Бироқ Ленин тарих сўнгида
Буюклардан чиқди буюкроқ.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

* * *

Лениннинг ёзмоқ учун узун умр лозимдир,
Лениннинг таърифида мангу қалам лозимдир,
Лениннинг англамоққа ёруғ шуур лозимдир,
Лениннинг севмоқ учун покиза қалб лозимдир,
Ленинча яшамоққа азму қарор лозимдир,
Ленинча ишламоққа зўр эътибор лозимдир.
Лениннинг англамоққа ҳалол виждон лозимдир.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.



Биз фикримиз, ўй ва режаларимизни Ленин фикрига қиёслашни, Ленинга хос иродани, изчилликни ўрганмоқдамиз. Чунки Ленин билан боғлиқ ҳамма нарса биз учун бебаҳодир...

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини қуриш ҳақидаги қарор республикамиз меҳнаткашларининг талаб ва истакларига биноан Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездида кўрилиб, бир овоздан маъқулланган эди. Лойиҳа тасдиқланиши биланоқ музейни қуриш ишлари бошланиб кетди. Қурилиш умумхалқ ҳашарига айланди. Унда каттаю-кичик, ёшу-қари, шаҳримизнинг деярли ҳамма корхона ва ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ғайрат кўрсатиб ишладилар. Кўплар музей қурилишидаги халқ ғайратини Улуғ Ватан уруши йиллари қурилган Фарҳод ГЭСи қурилишидаги халқ жасорати билан тенглаштирардилар.

1970 йил 17 апрель...

Тошкентда, Ўрта Осиёда ягона В. И. Ленин музейи очилди! 41 ой муддатга мўлжалланган бино халқ жасорати туфайли 21 ой мобайнида қуриб битказилган. Бундай мураккаб архитектурага эга бўлган бинони қисқа муддатда қуриб битказиш шаҳарлар қурилиши тарихида юз бермаган эди.

Музей экспозициясини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли жойлаштиришда айниқса В. И. Лениннинг жиянлари О. Д. Ульянова, В. Д. Ульяновлар, В. И. Лениннинг шахсий секретари Л. А. Фотиева, В. И. Ленин Марказий музейининг доимий директори О. С. Кривошеинанинг фойдали маслаҳатлари, кўрсатмалари катта роль ўйнади. 3,5 мингдан зиёд экспозиция материаллари 20 та залга жойлаштирилди. Ҳали мамлакатимизнинг ҳеч бир музейи залларида бўлмаган янги замонавий техника —ўн бир программали телевизион марказ ва автомат диспроектор қурилмалари музей залларига венгер дўстларимиз ёрдамида ўрнатилди.

Мана ўшандан буён орадан 20 йил вақт ўтди, музей зиёратчилари эса 10 миллионга яқинлашиб қолди. Унинг залларида В. И. Ленин ҳаёти ва кураши, бугунги долзарб муаммолар ҳақида обзор, тематик ва муаммоли лекцияларни эшитаётган, доҳийнинг Туркистон халқлари ҳаётида катта роль ўйнаган декретларини қизиқиш билан ўрганаётган турли ёшдаги кишиларни кўрасиз. Аммо кечаги ўзининг улуғворлиги, илмийлиги ва замонавийлиги билан зиёратчиларни ҳайратга солган музей экспозицияларидан бугун зиёратчиларимиз қониқмаётирлар, давр ўзгармоқда, зиёратчиларнинг дунёқараши, талаби ошмоқда.

Кейинги пайтларда қайта қуриш, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги баҳонасида Лениннинг ғоявий-назарий меросига муносабатда ҳаддан ошишлар ҳам содир бўлмоқда. Ленин асарларидан у ёки бу жумлаларни юлқиб олиб бугунги ҳаётимизга талқин этишга уринилмоқда.

Афсуски, буларнинг ҳаммаси доҳийнинг тўла асарлар тўпламини кўплаб раҳбарларимиз кабинетларини фақат безабгина турганлиги, кутубхоналарда чанг босиб ётганлиги, институтларда эса талабалар томонидан В. И. Ленин асарларини юзаки ўрганилаётганлиги, Лениннинг кам ва ёмон ўқишимиз оқибатида рўй бермоқда.

Ҳақиқат мунозара ва баҳсларда юзага келади, дейдилар. Ленин ҳақида, унинг фаолияти ва асарлари ҳақида бахслашайлик, мунозара қилайлик, лекин андишасизлик ва тумтароқ фикрлар билан эмас, балки чуқур билим ва ориятлар билан, сиёсий фикрлаш қобилияти билан мунозара қилайлик.

Куни кеча музей зиёратида бир гуруҳ ёшлар мунозараларининг гувоҳи бўлган қашқарлик Абдулла Аҳмад «Бу воқеаларни менга Хитойда айтсалар ишонмасдим. Аммо мана ўзим эшитиб, гувоҳи бўлиб турибман. Ахир ўтмишга отилган тош қайтиб келиб пешонани ғурра қилишини наҳот билмасанглар. Улуғ Ленинга, ўз она тарихингизга бундай ҳурматсизлик яхшиликка олиб келмайди», деди.

Олимларимиз, тарихчиларимиз, мафкуравий иш ходимларимиз бундай асоссиз тажовузлардан Ленинни илмий асосда ҳимоя қила олишлари лозим. Бунинг учун эса аввалambор бизнинг ўзимиз Лениннинг, у яшаган даврни, унинг асарларини ва ҳаётини чуқур билишимиз керак. Ленин ғояларини кенг омма орасида тарғиб қила олишимиз, қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан омма сиёсий савиясининг ўсишига, унинг фикрлаш қобилиятига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Бу бизнинг коммунистик идеалларга садоқатимиз ва эътиқодимиз учун масъуллигимизни кўрсатади.

Г. ЭРГАШХЎЖАЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ходими.

ЭЪТИҚОД УЧУН МАСЪУЛМИЗ

БИРИНЧИ ҲАЙКАЛ

1925 йилнинг декабрида Тошкент шаҳар Совети Эски шаҳарда—Жангоҳда жаҳон меҳнаткашларининг доҳийси Владимир Ильич Ленинга ҳайкал ўрнатишга қарор қилди.

Ўша йилнинг январида ҳайкал пойдеворига биринчи ғиштни қўйиш тантанали равишда нишонланди. Биринчи ғиштни оқсоқол Умар Хўжаев қўйди. Эски шаҳар район партия комитетининг секретари Обид Махсум сўзга чиқди. У жумҳуриятимизда ўрнатилаётган биринчи ҳайкал ва инқилобни вужудга келтирган, халқ бахти ва саодати учун отаётган курашчи В. И. Ленин хотирасини абадийлаштириш тўғрисида гапирди. Бу тантаналар Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг мустақил миллий республика сифатида вужудга келаётган ва доҳий туғилган куннинг 55 йиллиги нишонланган йилга тўғри келганлигини алоҳида таъкидлади. Тантана қатнашчилари сўзларида, шиор ҳамда экспонатларда доҳийнинг ўзбек халқи учун қилган ғамхўрликларига миннатдорчилик туйғулари баён қилинган эди. Бинобарин В. И. Ленин таълимотига содиқ қолиш, ёш Шўролар ҳукуматини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, уни ривожлантиришга даъват этилганди.

Бир газетхон сифатида истагим бор эди. Мазкур тарихий ҳайкал қандайдир сабаблар билан кўчирилди. Пойтахтимиз марказида доҳий номида улкан майдон қурилди ва унинг таълимоти-ю обрў эътиборига мос ҳайкал ўрнатилди. Бироқ, шаҳар тарихида янги саҳифа очган, пролетариат доҳийсининг ҳам юбилейи, ҳам вафотининг бир йиллиги ва жонажон республикамиз вужудга келаётган бир пайтда ўрнатилган ҳайкал қайта тикланса яхши бўларди. Умуман, Ленин ва Ўзбекистон мавзуидаги ҳужжатлар, материаллар, мактублар ва бошқа қатор тарихий-ҳуқуқий воситалар тўпланса, улар алоҳида китоб шаклида нашр қилинса ёмон бўлмас эди.

Ҳ. САЛОҲИДДИНОВ,
тарих фанлари номзоди, партия ветерани.

ЛЕНИН МЕРОСИ ВА ЯНГИЧА ТАФАККУР

Кейинги пайтларда Ленин мероси, инқилоб ва жаҳонда биринчи социалистик давлат тақдири тўғрисида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Баъзан ҳатто мутлақо бир-бирига зид фикрлар билдирилмоқда. Бу албатта, энг аввало, қайта қуриш ва янгича тафаккур маҳсулидир.

Нима ҳам дейиш мумкин, ўтган ўн йилликлар давомида доҳийнинг улкан сиёсий-маънавий мероси бир ёқлама ўрганиб келинди, онгимизда унинг инсоний қиёфаси номатлуб илоҳийлаштирилди.

Янгича тафаккур, янгича қарашлар, буюк Ленин таълимоти ва унинг арбоблик фаолиятига ҳаққоний, ҳар қандай мадҳ саносиз ва заррача камситмай баҳо беришни тақозо этади.

В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Ленин ва адабиёт» мавзуида ўтказилган илмий конференция иштирокчилари ана шундай фикрга келдилар.

Конференцияда профессор Озод Шарофиддинов, ЎзФА мухбир аъзоси Иззат Султон, филология фанлари докторлари Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажонов, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Иброҳим Ғофуров, шоир ва ёзувчилар Абдулла Шер, Григорий Резниковский, Маннон Эгамбердиев сўзга чиқдилар.

Конференция иштирокчилари республика матбуотида «Ленин мероси ва янгича тафаккур» ойнасўзи ташкил этиш таклифини ўртага ташладилар.

С. ҲАКИМОВ.

• Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига

14 апрель куни СССР Министрлар Совети «Улуғ Ватан урушида Совет халқи Ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Мана шу санага тайёргарлик ва уни байрам қилиш мамлакатни ҳар томонлама янгилаш, қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқариш белгиси остида ўтказилади.

Иттифоқдош ва Автоном Республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАРОР ҚИЛАДИ

Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Ватан учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг отаоналари ва бевалари, уруш пайтида фидокорона меҳнат қилган мамлакат ички меҳнаткашлари — ғалабани таъминлаган барча кишилар тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришлари лозим.

Қарорда Улуғ Ватан уруши ёдгорликларини, қардошлик мозорларини, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари, партизанлар, яширин иш олиб борган жангчиларнинг қабрларини тартибга келтириш, ҳамма жойда умумиттифоқ хотира китобини ташкил этишга оид ишларни кучайтириб юбориш кўзда тутилади.

СССР Министрлар Совети Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларининг пенсия таъминотини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. 1990 йилнинг 1 октябридан бошлаб гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги СССРнинг янги қонуни кучга киргунга қадар ҳукумат қарори билан уларга белгиланган пенсияларнинг барча турлари ушбу қарорда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, амалдаги энг кўп миқдор чекланмаган ҳолда қарилик учун берилаётган энг кам пенсиянинг 25 фоизи миқдорида кўпайтирилади.

Пенсияларнинг қуйидаги энг кам миқдорлари белгиланади:

Муддатли хизмат оддий состави ҳарбий хизматчиларидан уруш ногиронларига: биринчи ва иккинчи группа ногиронлиги бўйича — «Аҳоли пенсия таъминотини ва унга социал хизмат кўрсатишни яхшилашга оид шошилинч тадбирлар тўғрисида»ги СССР қонунида кўзда тутилган қарилик пенсиясининг 150 фоизи, учинчи группа ногиронлиги бўйича — 75 фоизи;

Муддатли хизмат сержантлари, старшиналари, ефрейторлари ва катта матросларидан уруш ногиронларига муддатли хизмат оддий состави ҳарбий хизматчилари ногиронлари учун кўзда тутилган тегишли энг кам миқдорнинг 110 фоизи, муддатдан ташқари хизмат прапоршчиклари, мичманлари ва ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари кичик бошлиқлари ва оддий состави аъзоларидан уруш ногиронларига 120 фоиз ҳамда ички ишлар органлари офицерлар состави ва бошлиқлар состави (кичик бошлиқлардан ташқари) аъзоларидан уруш ногиронларига 130 фоиз миқдорида белгиланади.

Мазкур қарорга мувофиқ, ногиронлик пенсияларини олаётган Ватан уруши ногиронларига агар улар ушбу қонунга мувофиқ катта миқдорда пенсиясини ошириш ҳуқуқига эга бўлмасалар, бу пенсиялар ойига 20 сўм кўпайтирилади.

Уруш ногиронлари учун белгиланган қарилик ва кўп йиллик хизмати учун пенсиялар (СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети белгилайдиган пенсиялар) миқдори ногиронликнинг тегишли группаси бўйича энг кам пенсия миқдоригача оширилади; уруш ногиронлари оладиган пенсияларнинг бошқа турлари ҳам шу миқдорда кўпайтирилади.

Биринчи группа уруш ногиронларига уларни парвариш қилиш учун қўшимча ҳақ миқдори ногиронлик пенсиясига ойига 70 сўмгача кўпайтирилади. Ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган иккинчи группа уруш ногиронларини парвариш қилиш учун ногиронлик пенсиясига қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилади; уруш қатнашчилари бўлган ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар иш жойидан қатъи назар олаётган иш ҳақи назарда тутилмай тўла ҳажмда тўланади.

1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ватан уруши ногиронларининг хоҳишига кўра, уларга санаторий ёки дам олиш уйига бериладиган йўлланма ўрнига икки йилда бир марта унинг ҳақини: биринчи ва иккинчи группа уруш ногиронлари учун 100 сўм миқдорида, учинчи группа уруш ногиронлари учун 80 сўм миқдорида тўлашга қарор қилинди. 1989—1990 йиллар учун йўлланмалар ҳақи 1990 йилда тўланади.

Шу йилнинг ўзидаёқ Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини таъминлаш учун 50 мингта енгил автомобиль, жумладан, «Запорожец» автомобилини бепул олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш ногиронларига бериш учун 32 мингта шундай машина ажратилади. Кўриш қобилияти яхши бўлмаган ёки ҳар иккала қўлидан ажралган биринчи группа Улуғ Ватан уруши ногиронларига шундай автомобилни бепул олиш ҳуқуқи берилади. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳар йили ажратиладиган фондлар доирасида уруш ногиронларининг хоҳишига кўра бепул бериладиган «Запорожец» автомобили пулини бирга ҳисоблаб, бошқа маркадаги автомобилларни сотиш ҳуқуқи берилади.

Ҳукумат қарорига биноан шу йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига шаҳар атрофидаги темир йўл ва сув транспортида ҳамда шаҳар маршрутларидаги автобусларда, биринчи группа уруш ногиронларининг сафарида ҳамроҳлик қилувчи кишига эса шаҳар пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ташқари) ва истиқомат жойи маъмурий райони доирасидаги қишлоқ жойларда умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан ташқари) бепул қатнаш ҳуқуқи берилди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, уларнинг хоҳишига кўра, темир йўл қатнови бор ёки йўқлигидан қатъи назар, темир йўл, шунингдек сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида икки йилда бир марта бепул бориб-келишга ёки йилига бир марта қатнов ҳақининг ярми тўланиб, транспортнинг ана шу турларида қатнашга рухсат берилди.

1943 йилнинг 18 январидан 1944 йилнинг 27 январигача Ленинград шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган ҳамда «Ленинград мудофааси учун» медали билан мукофотланган гражданларга шу йилнинг 1 июлидан бошлаб КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ленинград қамали даврида шаҳар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган ҳамда «Ленинград мудофааси учун» медали билан мукофотланган гражданларга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун белгиланган имтиёзларни жорий этиш тўғрисида»ги 1985 йил 14 май 416-сон қарорида кўзда тутилган имтиёзлар жорий этилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективлари кенгашлари иштирокида уруш қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари, мамлакат ички меҳнаткашлари турмуш шароитини яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш таклиф этилди. Жойлардаги мавжуд маблағлар ҳисобига гражданларнинг ана шу категорияларига давлат пенсияларининг барча турларига қўшимча ҳақ тўлаш ҳамда уларга бошқа хил моддий ёрдам бериш; медицина хизмати кўрсатиш, уй-жой майдонлари, коммунал хизматлар, жамоат транспортида қатнаш ҳақини тўлаш юзасидан имтиёзлар белгилаш; ёқилғи, ветеранлар учун зарур бўлган саноат моллари, маданий-маърифий ва театр-томоша муассасаларига кириш учун билетлар нархини кисман ёки тўлиқ тўлаш, ўз қарамоғидаги спорт-соғломлаштириш комплексларидан, дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлардан фойдаланиш чоғида имтиёзлар бериш; ветеранларга социал ёрдамнинг хилма-хил турларини ривожлантириш таклиф этилди.

СССР ҳукумати иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари зиммасига коммунал квартираларда яшовчи ёлғиз уруш қатнашчиларини 1990-1992 йиллар давомида алоҳида шинам уй-жойлар билан таъминлашга оид чоралар кўриш вазифасини юклади.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Давлат қурилиш комитетига, СССР Давлат план Комитетига, СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитетига ва Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига уруш ветеранлари учун қурилаётган госпиталлар белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш, уларни энг янги медицина ускуналари ва аппаратлари билан жиҳозлаб, моддий-техника базасини замонавий талабларга мувофиқлаштириш вазифаси топширилди.

Моли тўқнинг—кўнгли тўқ

Халқнинг бу нақли исбот талаб қилиб ўтирмайди. Бу минг-минг йиллаб қилинган тажрибанинг маҳсулидир.

Бухоро область Ғиждувон районидаги «СССР 60 йиллиги» колхози чорвадорлари ҳам ана шу удумга амал қилиб, кейинги йилларда озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берадиган бўлиб қолишди. Бу тадбирнинг колхоз ишлаб чиқаришига катта нафи тегаётганлиги эндиликда ҳаммага аён. Чунки хўжаликда чорва туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун қулай имкониятлар вужудга келди. Шу кунларда бу ерда экилган перко, рапс ўримга тайёр бўлди. Шунинг учун ҳам хўжалик механизаторлари майдонлардаги озуқа экинларини оби-тобида йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат бошладилар. Улар 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб туришибди.

Суратларда: 1. Ўримда фаол иштирок этаётган механизаторлардан Аҳмад Назаров. У хўжаликда қариб 15 йилдан бери ишлаб келяпти. 2. Озуқа экинларини йиғиштириб олиш пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ИССИҚ НОНЛАР— ДАСТУРХОНГА

● Иштихон ноҳиясидан ўтувчи «Тошкент-Бухоро» йўлининг ўнг қанотида ҳашаматли бино қад ростлади. Бу — янги нон заводи биноси. Муддатидан икки йил олдин ишга туширилган бу корхона айни дамларда меҳнаткашларга суткасига 15 тонна лаззатли нон етказиб беряпти.

Завод замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Қўлда бажариладиган ишларнинг ҳаммаси механизация зиммасига юклатилган.

— Бугунги кунда корхонада фақат битта цех ишлаяпти, — дейди завод директори Абдуалим Абдуллаев. — Қолган цехларда охирги қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти. Бу цехлар тўла қувват билан ишга туширилгач, нон ва нон маҳсулотларигина эмас, турли хил ширинликлар, макарон ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Ҳозир эса тажрибали новвойлар Муяссар Қурбонов, Баҳриддин Норовлар сифатли нонлар ёпиб, эл дастурхонига етказиб бермоқдалар.

У. САЙДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Ирландия парламенти сенатининг раиси Шон Дохерти бошчилигидаги Ирландия парламенти делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

21 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов делегация аъзоларини қабул қилди. Меҳмонлар республика иқтисодиётининг ривожланиши, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қайта қуриш шароитидаги фаолияти билан таништирилди.

Меҳмонлар шу куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

23 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I.

17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.20 Мультфильмлар. 18.35 Концерт. 19.10 «Ёшлик» студияси. 19.30 Ахборот. 19.50 «Ёдгорлик» туркумидан. 20.30 Время. 21.00 «Оҳанг» студияси. 21.30 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Тўтиқушли хоним». Бадиий фильм.

УзТВ-II.

18.05 Телефильм. 18.35 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм. 19.50 «Тошкент» студияси. **ФРУНЗЕ.** 20.30 Время. 21.00 Шу куннинг мавзуси ҳақида. 22.15 «Хит-парад —90» ёки «Шанс» шоу программаси.

МТ-I

6.00 «120 минут». 8.00 Футбол шарҳи. 8.30 «Мен келдим». Бадиий фильм. 9.35 Концерт. 10.05 Мультфильм. 10.15 Концерт. 11.00 Ҳайвонот оламида. 12.00 Время. 12.30 «Сўнгги бекат». 14.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 15.25 Мусиқий хазина. 16.15 Болалар соати. 17.15 Пульс—90. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.45 Футбол шарҳи. 19.15 «Икки ғўр одам». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Адабий-бадиий программа. 23.05 ТСН.

МТ-II.

8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Илмий-оммабоп фильм. 10.35 ва 11.35 Адабиёт. 11.05 Бола билан мулоқот мактаби. 12.05 Концерт. 12.40 Ҳужжатли фильм. 13.30 «Ғалати никоҳ». 1-серия. 17.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 Халқ куйлари. 18.45 Мультфильм. 19.00 «Маршал Жуков». 19.30 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 19.40 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.00 Баскетбол. 22.45 Телевизион мусиқий абонемент.

24 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

УзТВ-I.

11.30 Комил Яшин. Атоқли драматург. 12.00 Телефильм. 12.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 Қувноқлар маскани. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Жаҳон ёшлари бирлашса... 20.30 Время. 21.00 Водий тароналари. 21.50 Манзарали фильм. 22.00 Ахборот. 22.20 Туроб Тўла.

УзТВ-II.

18.05 Сўнмас у кунлар шуҳрати. 18.45 Тошкент студияси. 19.30 Ўзбекистон киноҳаваскорлари. ДУШАНБЕ. 20.30 Москва. 21.00 Борбаднинг 1400 йиллигига. 22.00 Ахбор. 22.20 Борбаднинг 1400 йиллигига.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.00 Ҳужжатли фильм. 8.15 Концерт. 8.40 «Икки ғўр одам». Бадиий фильм. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.25 Бу бўлган... бўлганди... 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.30 Адабий-бадиий программа. 15.15 Нальчиқдан кўрсатилади. 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.40 Дунё болалари. 17.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 Время. 18.30 Сиз бунга қодирсиз. 19.15 9-студия. 20.15 Камер орткестри чалади. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Мультфильмлар. 21.25 Концерт. 21.50 ТСН.

МТ-II.

8.00 Гимнастика. 8.15 Китобий умр. 8.35 ва 9.35 География. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Рус тили. 12.05 Ҳужжатли фильм. 12.45 Чашмалар. 13.15 «Ғалати никоҳ». Бадиий фильм. 2-серия. 14.25 Гимнастика. 17.15 Мультфильм. 17.20 Юзма-юз. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.05 Концерт. 21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

25 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I.

11.30 Киноқўрсатув. 12.30 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильмлар. 18.25 Ўқитувчи Абдуваҳоб Маматқулов. 18.45 Мультфильм. 18.50 Халқаро конкурс. 19.10 Долзарб мавзу. 19.30 Ахборот. 19.50 Адабиёт элчилари. 20.20 Ички ишлар вазирлиги хабар беради. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.40 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 «Бир тўқнашув ҳақида икки тахмин». Бадиий фильм.

УзТВ-II.

18.05 КПСС Устави лойиҳаси. 18.45 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 20.00 Халқ истеъмоли моллари. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 Меҳри суруд. 22.00 Ахбор. 22.20 Она ва болакай. 22.35 Борбаднинг 1400 йиллигига.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.05 Дунё болалари. 8.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.25 Камалак. 12.00 Время. 12.30 Концерт. 15.15 Концерт. 15.40 Компьютер билан мулоқот. 16.30 Болалар соати. 17.30 Ҳокимият — Советларга. 18.00 Время. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Кинопанорама. 22.45 Ҳужжатли фильм. 23.20 Концерт. 23.35 Футбол. Ирландия—СССР. 01.25 ТСН.

МТ-II.

8.00 Гимнастика. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.35 ва 9.35 Физика. 9.05 ва 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Ҳужжатли фильм. 12.30 Концерт. 13.10 Телефильмлар. 17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Мультфильмлар. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Советининг сессияси. 20.45 Концерт. 21.00 «Уйланиш». Бадиий фильм.

26 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I.

11.30 Телефильмлар. 12.30 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Билмасвой қуёшли шаҳарда». Мультфильм. 18.05 Табиат ва биз. 18.40 «Ёшлик» студияси. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 Время. 21.00 Жиноятчиликка қарши кураш. 22.00 Ахборот. 22.20 Бобурнинг дилрабо ғазаллари.

УзТВ-II.

18.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм. 19.20 Реклама. 19.30 «Тошкент» студияси. ФРУНЗЕ. 20.30 Время. 21.00 «Низомий». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.00 Футбол. Ирландия — СССР. 9.45 Мультфильм. 9.55 Саёҳатчилар клуби. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.30 Ҳужжатли фильм. 15.15 Концерт. 16.05 Илмий хабарнома. 16.50 Қозондан кўрсатилади. 17.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.00 Время. 18.30 Коллаж. 18.35 Нодипломатик суҳбатлар. 19.00 1990 йил қушиқлари. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 23.00 ТСН.

МТ-II.

02.00 Эфирда 24 соат давом этадиган «Чернобиль» кўрсатуви.

27 АПРЕЛЬ, ЖУМА

УзТВ-I.

11.30 Телефильм. 12.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.05 Санъат ғунчалари. 18.50 ЎзССР халқ депутатлари билан мулоқот. 19.30 Ахборот. 19.50 «Фан—ишлаб чиқаришга». 20.30 Ўзбек куйларидан концерт. 21.40 Мультфильмлар. 22.00 Ахборот. 22.20 Хотира. Чўлпон. 23.50 Янгиликлар.

УзТВ-II.

18.05 Тенгдошлар. 18.50 Ўзбекистон телевизион киножурнали. 19.05 «Оқкўнгил кишилар». Бадиий фильм. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 «Чичерин». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.00 Хоккей. 9.45 Кинопанорама. 11.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Время. 13.00 1990 йил қушиқлари. 15.15 Концерт. 16.05 Социализм муаммолари. 16.50 Мультфильм. 17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Саркардалар». 18.00 Время. 18.30 Хоккей. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Концерт. 21.25 Нигоҳ.

МТ-II.

8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 8.55 ва 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Ота уйи». Бадиий фильм. 1-серия. 13.15 Ҳужжатли фильм. 14.15 Ритмик гимнастика. 14.45 Концерт. 16.30 Номсиз тепаликда. 17.25 Ритмик гимнастика. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессиясида.

28 АПРЕЛЬ, ШАНБА

УзТВ-I.

11.30 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 12.50 Спорт кўрсатувлари. 13.50 Партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси. 14.20 «Бу телба дунё». 17.35. 17.40 Янгиликлар. 17.45 Мультфильмлар. 18.30 Амалий давра суҳбати. 19.30 Ахборот. 19.45 Экран табассуми. 20.30 Время. 21.20 Дўстлик экрани. 22.20 Ахборот. 22.40 Мусиқа жаванни. 23.20 «Мерседес «ҳайдаган одам». Бадиий фильм.

УзТВ-II.

ДУШАНБЕ. 10.00 Ахбор. 10.25 Саломатлик. 11.15 Концерт. 11.40 Экология муаммолари. 12.20 «Гаюровларнинг оилавий иши». Бадиий фильм. 1-серия. 17.30 Болаларга мусиқа ҳақида. 18.10 Мутахассис минбари. 18.40 Базми Наврўз. 19.30 Новости. 19.50 Уч авлод учрашуви. 20.30 Время. 21.20 Дўстлик экрани. 22.20 Ахбор. 22.40 Фарҳанг ва ҳунар.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.05 Камалак. Озарбайжонда Наврўз байрами. 8.35 Болалар учун фильм. 9.40 Концерт. 10.30 Умрнинг боқий бўлсин, Ер! 12.00 Время. 12.30 Инсон қўшиқ ўйлаб топди. 15.05 Узоқ Шарқ. Киножурнал. 15.15 РСФСРнинг мусиқий фольклори. 16.00 Образ. 17.15 Л. Ветховен. 17.30 Партнер. Тижорат хабарномаси. 18.00 Время. 18.30 Дўстлик меридианлари. 19.00 Мультфильм. 19.10 «Икки жангчи». (Тошкент киностудияси, 1943 й). 20.30 Время. 21.20 Хоккей. Финал группалари командалари. 23.00 ТСН.

МТ-II.

8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Илмий-оммабоп фильм. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Онам, дадам ва мен. 12.05 «Ота уйи». Бадиий фильм. 2-серия. 13.15 Концерт. 13.55 Ҳужжатли фильм. 14.20 Концерт. 16.30 Концерт. 17.00 Волейбол. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 Ҳамдўстлик видеоканали. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Спорт ҳамма учун. 21.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 22.00 Информацион программа. 22.45 Майдон. 23.45 «Бухарест паспорти». Бадиий фильм.

29 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

УзТВ-I.

11.30 Телефильмлар. 12.10 Спорт кўрсатувлари. 13.30 Дўстлик кўрсатувлари. 14.50 Чорраҳа. 15.20 Илғор тажриба мактаби. 15.50 Юксалиш сари. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Доира оҳанглари. 20.16 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 Манзарали фильм. 21.20 Якшанба оқшомида. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ-II.

ДУШАНБЕ. 10.00 Ахбор. 10.25 Раҳм-шафқат ҳақида. 10.55 Фильм-концерт. 11.25 «Гаюровларнинг оилавий иши». Бадиий фильм. 2-серия. 17.45 Донишмандлар студияси. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.40 Мусиқий ҳаёт. 19.30 Новости. 19.50 Кинолавҳа. 20.00 Тожик тилини ўрганамиз. 20.30 Время. 21.00 Савти баҳор. 22.00 Ахбор. 22.20 Санъат усталари. 00.05 Телетомашабин ҳамроҳи.

МТ- I.

6.00 «120 минут». 8.00 Спортлото. 8.15 Ҳужжатли фильмлар. 8.45 Мультфильм. 9.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 11.05 Концерт. 12.00 Время. 12.30 Ёшлик куйлайди... 12.45 «Худди шундай бўлади». Бадиий фильм. 1—2-серия. 15.00 Мультфильмлар. 15.30 Концерт. 16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. 16.30 Концерт. 16.45 Қишлоқ янгиликлари. 18.00 Время. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 20.30 Время. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 П. И. Чайковский. 21.30 КВН—90.

МТ-II.

7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 Мультфильмлар. 8.45 Телеочерк. 9.15 Вокзалларда яшовчи қизлар ҳақида. 9.45 «Бухарест паспорти». Бадиий фильм. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.40 «Етти довюрак». Бадиий фильм. 13.10 Концерт. 14.05 Коллаж. 14.10 Теймураз Мурванидзе. 14.30 Совет Россияси видеоканали. 17.00 Планета. 18.00 Время. 18.30 Фильм-концерт. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Меҳр-шафқат иллаб (Латвия). 20.30 Хорижий рус маданияти. 21.00 Футбол. СССР чемпионати. 22.50 Волейбол. Жаҳон биринчилиги. 23.25 «Олтин лангарлик бармен». Бадиий фильм.

• Водий истиқболи: тажриба, ташаббус, муаммо

ИМКОН БОР-У ҲАРАКАТ ЙЎҚ

Фарғона водийси аҳолисини иш билан таъминлаш юзасидан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорни Андижон области меҳнаткашлари мамнуннт билан кутиб олдилар. Мазкур қарорни тезроқ амалга ошириш учун областнинг барча районларида зарур тадбирлар белгилаб чиқилди. Айни пайтда бу ерда янги иш жойлари ташкил қилиниб, аҳолининг катта қисми ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинмоқда.

Жумладан, Жалолқудуқ районида ҳам бу борада хайрли ишлар олиб бориляпти. Районда ўтган йили 600 киши иш билан таъминланди. Айниқса, кооператив ҳаракати ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятларига кенг йўл берилди.

Лекин бу соҳада анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Райондаги аҳволни ўрганиб чиқиб, худди шундай хулосага келдик. Мана, аниқ маълумотлар билан танишинг: районда меҳнатга лаёқатли уч мингдан зиёд ишсиз бор. Ўйлаб кўрилса, бу катта куч. Хўш, уларни иш билан таъминлаш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун районнинг ўзидаги ички имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Масалан, район маркази, Ёрқишлоқ ва Ойим қишлоқларида каттагина пиллахоналар бор. Бу пиллахоналарда йилнинг икки ойида қизғин иш бўлади, холос. Бошқа пайтларда эса бинолар бекор туради. Нега мана шу жойларда ишчи ўринларини ташкил қилиш мумкин эмас? Ёки бошқа мисолни кўрайлик. Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводи ҳам мавсумий ишлайди. Пахта тозаловчилар баҳор ва ёз ойларида ишсиз қолишмоқда. Бинобарин, областдаги пахта тозалаш заводларини йириклаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундай қилинганда, қимматбаҳо техника воситалари ва ишлаб чиқариш майдонлари бекор турмайди, кўпчилик аҳоли доимий иш билан таъминланарди. Ёки бўлмаса мазкур заводларда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак.

Областда сув хўжалиги идорасига қарашли «Андижанирстрой» трести деярли барча районларда кўчма механизациялашган колонналарга эга. Жалолқудуқ районига қўшни Хўжаобод ва Қўрғонтепа районларида ҳам мазкур трест бўлинмалари ишлаб турибди. Ҳисобларга кўра, юқоридаги икки қурилиш ташкилоти коллективи Жалолқудуқ районида бир йилда зўрға бир ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради, холос. Аслида эса районда шу соҳада каттароқ иш фронти олиб бориш зарур. Шунинг учун бу ерда «Андижанирстрой» трестининг кўчма механизациялашган колоннасини очиш пайти келди. Очиғи, бундан бир неча йил аввал худди шу мақсадда Жанубий Оламушук посёлкасида уч гектар ер ажратилиб, боғ ташкил этилган эди. Ўтган йилларда боғ ҳосилга кирди. Лекин унга қўшилиб кетган колонна учун қурилган маъмурий бино ҳозиргача бўш турибди. Бу ҳол «Андижанирстрой» раҳбарларини ташвишга солмаётганлиги ачинарли, албатта. Агар мазкур бинода қурилиш колоннаси ташкил этилса, йилига 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мумкин бўлади.

Райондаги кўпгина колхоз-совхозлар, қишлоқ Советларида кичик-кичик саноат корхоналари, қурилиш ёки транспорт ташкилотларининг филиалларини очиш учун анчагина имкониятлар мавжуд. Лекин булардан тўғри фойдаланилмаяпти. Масалан, «Ёш ленинчи» колхозида бўм-бўш турган даннллама дала шийпонида мавсумий филиал очиб, камида 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминласа бўлади. Область матлубот жамиятидаги мутасадди ўртоқлар бу соҳада тегишлича ёрдам беришлари керак. Чунки улар область ижроия комитети махсус кўрсатмасига мувофиқ худди шу жойда тикувчилик цехи очишни ўз зиммаларига олишган эди. Лекин иш ҳалигача жойидан силжиганича йўқ.

«Коммунизм» колхозида ҳам уй фабрикасини очиш зарур бўлиб қоляпти. Чунки хўжаликда ишсиз юрган 100 га яқин уй бекалари бор. Бу аҳволдан область маҳаллий саноат бошқармасидаги мутахассислар хабардор. Бироқ улар фабрика очиш учун дастгоҳ йўқ, деб баҳона қидиришяпти.

Маълумотларга кўра, районнинг юқори зонаси — «Ёш ленинчи», «Ғалабанинг 30 йиллиги», Карл Маркс номли ҳамда «Коммунизм» колхозлари территорияларида аҳоли анча зич жойлашган. Бу хўжаликларда ижтимоий фойдали меҳнатга яроқли ишсизлар сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Аммо район партия ва ижроия комитетлари, масъул ташкилотлар улар учун етарли иш фронти очиб бермаяптилар. Шу сабабли жалолқудуқликлар қўшни Қирғизистон ССРнинг Ўш шаҳрига қатнаб ишлашяпти. Бу ердаги ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус автобуслари районнинг деярли барча хўжаликларидан ҳар куни тайёр ишчи кучларини йиғиб кетяпти. Аҳолининг айрим қисми эса область марказига бориб ишламоқда.

Хуллас, юқоридаги тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда, область партия ташкилоти ҳамда ижроия комитети раҳбарлари томонидан амалий ёрдам керак бўлиб қоляпти. Чунки район раҳбарлари бу борада ўз вақтида область мутасадди ташкилотларига бир неча бор мурожаат қилишганди. Лекин натижаси бўлмади. Эндиликда бундай ҳолларга чек қўйиш пайти келди. Зеро, кишилар ҳақида қайғуриш, уларнинг фаровонлигини ошириш учун қатъият билан курашиш ҳар бир раҳбар ходимнинг бурчидир.

С. АБДУРАҲИМОВ,
Андижон области.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ЎН АСРЛИК ТАЗКИРА

Ўзбек шеърияти даставвал Европага XVI асрнинг ўрталарида кириб борган эди. Бу даврга келиб улуғ Навоийнинг асарлари Европа мамлакатларига ҳам тарқала бошлаганди. Уни Европага биринчи марта танитган киши Италиянинг Венеция шаҳрида яшовчи Христофор бўлганди. У «Серендип шоҳнинг уч ёшли ўғиллари зиёрати» китобининг иккинчи қисмида ўзбек шоирининк «Сабъаи сайёр» достонидан фойдаланганди. Дастлаб итальян тилида 1557 йили Венецияда босилиб чиққан бу асар кейинчалик француз, немис, инглиз, голланд тилларида 1828 йилгача жами ўн беш марта нашр қилинганди. Айниқса, XIX асрнинг ўрталарига келиб Европа мамлакатларида Навоий, Бобур асарларига қизиқиш жуда ортган эди. Уларнинг бир қатор асарлари инглиз, француз, немис, голланд тилларига ўгирилди. Шундай қилиб, навоийшунослик, бобуршунослик фанлари майдонга келганди.

Йигирманчи асрдаги улкан сиёсий ўзгаришлар жаҳонда Совет Иттифоқи халқлари адабиётларини ўрганишга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлаганди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа мамлакатларида ўзбек адабиётини кенг кўламда ўрганиш кучайганди.

Ўтган йили Польшанинг Лодзь шаҳрида Тадеуш Хрошилевски 556 саҳифали «Ўзбек шеърияти» тазкирасини тузиб, чоп эттирди. Бу кенг қамровли ишлардан бири саналади. Ундан 81 ўзбек шоирининг 350 дан ортиқ асари жой олган. У қадимги ўзбек халқ достонларидан тортиб, то шу кунгача бўлган иқтидорли ёш ўзбек шоирлари асарларини ўз ичига қамраб олган. Китоб «Ўзбек халқ достонлари» бўлими билан бошланади. Унда «Алпомиш», «Бобо Равшан», «Тоҳир ва Зуҳра»дан намуналар берилган бўлиб, уларни Б. Клаг-Гоголовска, Е. Карпуклар таржима қилишган. Сўнгра қадимги ўзбек ёдномаларига ўтилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарларидан парчалар ва Паҳлавон Маҳмуднинг 38 та рубоийси поляк тилида Ф. Ниуважни, Е. Карпук, Б. Клод-Гоголевска, Ст. Улицки таржималарида янграган.

Польшалик китобхонлар Навоийдан олдинги адабиётимиз намояндалари билан батафсил таништирилган. Унда адиб ғазалларидан намуналар, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз»и, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо»си, Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси»дан парчалар, Саккокийнинг Улуғбекка атаб битган қасидаси келтирилган. Таржимон И. Литвиниук Лутфий достонини нима учундир. «Наврўз ва Гул» деб поляк тилига ағдарган. Бу шеърий мажмуада Алишер Навоий ижодига алоҳида ўрин ажратилган. Тадеуш Хрошилевски Навоийнинг 17 ғазали, тўққиз рубоийси, учтадан туюғи ва қитъаси, «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Фарҳод ва Ширин»дан айрим бобларни поляк тилига ўгирган.

Навоийдан сўнгги давр шеъриятимиз силсиласига Бобур, Хўжандий, Турдий, Машраб, Мужрим, Обид, Нишотий ва Мунис Хоразмий, Гулханий, Махмур, Огаҳий, Комил Хоразмийлар қўйилиб, уларнинг шеърий ижоди билан ҳам ўқувчиларни таништиришга ҳаракат қилинган.

Ўзбек классик шоиралари Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Дилшод Барно ҳамда Анбар отин шеърий асарларидан намуналар алоҳида диққатга сазовордир.

Тўпламда XIX аср охири ва XX аср бошлари ўзбек демократик адабиёти вакиллари (Муқимий, Фурқат, Завқий, Ажзий, Сўфизода, Аваз Ўтар, Авлоний, Фақирий) ижодига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Совет даври ўзбек адабиёти Ҳамза билан, унинг «Ишчилар уйғон!» шеъри билан бошланиб, «Ҳой, ҳой отамиз», «Ўзбек хотин-қизларига» каби асарлар ҳам польшалик шеър мухлисларининг эътиборига ҳавола қилинган.

Бироқ бу мажмуада 20-йиллар шеъриятига ҳам етарли ўрин берилмаган. Мазкур антологияда Ҳамзадан сўнг Абдулло Аълавий қўйилган. Унинг «Карвон» шеъри берилган, холос. Шу давр ўзбек шеъриятининг буюк вакиллари Чўлпон, Фитрат, Ботуларга ўрин ажратилмаган.

Тазкирада Ойбек, Ғ. Ғулом, М. Шайхзода, Ҳ. Олимжон, Миртемир, Усмон Носир, Шукрулло ва бошқалар қаторида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Ҳ. Худойбердиева, Омон Матчон, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳларнинг ҳам ўнлаб шеърлари поляк тилига таржима қилиниши кишини қувонтиради. Айни чоғда тазкира сўнггида Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Қутлибака Раҳимбоева ва Мақсуд Бекжон асарларига ҳам эътибор берилган.

Китобга 81 та шоирнинг ҳар бири ҳақида маълумот, поляк тилига қилинган таржималардан ишлатилган 156 ўзбек сўзи, ибораларининг изоҳи ҳамда польшалик олим, адабиётшунос Тадеуш Майданинг ўзбек шеърияти тарихига оид «Сўнгги сўз»и илова қилинган. У ўзбек адабиёти тарихини қипчоқлар, уйғурлар, ўғизлар тарихи билан боғлайди. Қорахонийлар даври (XI—XII аср) адабиёти ҳақида гапирганда Қошғар, Баласағун ва Самарқанд адабий муҳитига тўхталади. «Чиғатой адабиёти» атамасининг келиб чиқиши хусусида ўз фикрини баён қилган. Т. Майда, айниқса, Темур даври ўзбек шеърияти ҳамда Алишер Навоий асарлари хусусида мақбул фикрларни олға сурган.

Т. Майда ўн асрлик шеъриятимиз тўғрисида фикр юритар экан, у мазкур мажмуадан жой олган шоирларимиз ижоди билангина чегараланмайди. Балки бу антологиядан «мутахассислар»имиз томонидан «туширириб қолдирилган» Сўфи Оллоёр, Сайқалий, Чўлпон, Фитрат ижодларига ҳам ҳолис баҳо бериб ўтади.

Тазкирага кирган аксарият шеърлар тўғридан-тўғри ўзбек тилидан таржима қилинган. Шеърларнинг қаторма-қатор таржимасини ўзбек мутахассислари, бадиий таржимани эса йигирма нафар машҳур поляк мутахассислари бажаришган. Бу мажмуа икки халқ адабиётшуносларининг ҳамкорлигининг ажойиб самарасидир. Бундай ҳамкорликни биз ривожлантиришимиз лозим. Мазкур тазкиранинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унга кириш сўзни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, академиянинг мухбир аъзоси Б. Назаров ёзган.

Польшада иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда ўттиз беш босма табоққа тенг ўн асрли «Ўзбек шеърияти» тазкирасининг чоп этилиши китобхоннинг шеъриятимизга бўлган ҳурмат ва эътиборини янада оширади, албатта.

Х. ИСМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди.

АФҒОНИСТОНДАН НОГИРОН БЎЛИБ ҚАЙТГАНЛАР УЧУН

«Тошкент, Гоголь кўчаси, 70, Афғонистон ветеранлари уюшмасининг республика бўлими» — шу манзилгоҳга Югославияда ясалган ўнта енгил, чаққон ҳаракат қиладиган ногиронлар аравачаси ва Италия фирмалари тайёрлаган 60 та енгиллаштирилган қўлтиқтаёқ келтирилди. Буларнинг ҳаммаси Афғонистон урушида яраланган ва мажруҳ бўлиб қолганлар учун мўлжалланган.

Аравачалар ва қўлтиқтаёқларни қароргоҳи Москвада жойлашган Афғонистон ветеранлари уюшмаси шу жамоат ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими буюртмасига биноан сотиб олди. Афғонистонда бўлганларни бирлаштирувчи ветеранлар уюшмаси бу йигитларга, шунингдек Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ногиронлар аравачалар ва қўлтиқтаёқларни бепул олишади.

(ЎзТАГ).

НОМЕРГА ХАБАР

ТАБИИЙ ОФАТНИНГ БЎСТОНЛИҚҚА ЗАРБАСИ

ҒАЗАЛКЕНТ, 21 апрель. (ЎзТАГ махсус мухбири А. Безверхов). 21 апрелга ўтар кечаси Бўстонлиқ районидаги бир неча хўжалик турар жой посёлкаларига тоғдан сел келди. Жаладан сўнг тўпланиб қолган сув тупроқ ва тошларни оқизиб, уйлар, хўжалик иморатлари, боғлар ва далаларга кела бошлади.

— Бир кун олдин хавф ҳақида ҳамма огоҳлантирилган эди, — деб ҳикоя қилади район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Горин. — Ўтган йиллардан сабоқ чиқариб, одамларни кўчириш ва авария ишларини олиб бориш учун барча зарур нарсаларни тайёрлаб қўйдик. Жума куни тахминан соат 20 да тоғдан сел келаётгани ҳақида дастлабки хабарлар олинди. Чирчиқнинг чап соҳилида — «Ленинград», Фрунзе номли, «Қизилту» колхозлари жойлашган районда айниқса ташвишли вазият вужудга кела бошлади. Ҳамма фалокат шу ерда содир бўлди.

Воқеалар бундай ривожланди: сув-лой оқими сойлар, ирмоқлар ўзани бўйлаб оқиб тушиб, қудратли оқимни вужудга келтирди. Бир қанча жойда йўлни ювиб кетди, электр ва алоқа линиялари ишдан чиқди, кучланиш кичик станциялари, кўприклар бузилди. Сел посёлкаларга етиб келди ва уйларнинг ичига оқиб кира бошлади.

Бахтимизга, бунгача одамлар хавфли зонадан олиб чиқилиб, автобусларга ўтқазилган эди. Тун қоронғусига, жала қуяётганига қарамай, ҳеч ким саросимага тушмади. Ҳамма хавф-хатар юз берган тақдирда ҳаракат қилиш учун тузилган режага мувофиқ иш тутди. Шу туфайли қурбонлар бўлмади.

Етказилган моддий зарар эса жуда катта. 500 та уй-жой шикастланди, шундан 350 тадан кўпроғига қаттиқ шикаст етди. Баъзилари вайрон бўлди. Бешта мактаб, учта болалар боғчаси, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, молхоналар ва қўйхоналарга кўп шикаст етди. Натижада дастлабки маълумотларга қараганда 260 бошга яқин қорамол, икки минг бошдан кўпроқ қўй ва эчки нобуд бўлди. Салкам 900 гектар сабзавот экилган майдон сув остида қолди.

Айниқса «Ленинград» колхозининг Қўшқўрғон, «Қизилту» ва Фрунзе номли колхозларнинг уй-жой посёлкаларига катта шикаст етди. Сел «Новгород» совхозининг марказий қўрғонида ҳам из қолдириб кетди.

Тузилган оператив штаб ва ишга солинган барча бўлинмалар тўғри ҳаракат қилмаганларида эди етказилган зарар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Жума куни кечқурун Ғазалкентга келган Тошкент область ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев раҳбарликни ўз қўлига олди. Кечаси вазият кескинлашгач, районга область граждан мудофааси штабининг раҳбарлари ва кўпгина министрлар келишди. Штабга республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилик қилди. Одамларни ва уларнинг мол-мулкини олиб чиқиб кетиш учун фалокат юз берган районга шошилинч равишда техника, автотранспорт, шунингдек «Тез ёрдам» бригадалари келтирилди. Аввало, одамларни қутқариш ва янги вайронагарчиликларнинг олдини олиш учун ҳамма иш қилинди. Бунинг учун карьердан тош ташиб келтирилиб, йўлларнинг шикастланган жойлари тўлдирилди, сув бошқа томонга буриб юборилди.

Тонг отиши билан йўлсозлар ишга киришдилар. Мутахассислар электр ва алоқа линияларини тиклай бошладилар. Сел босган посёлкалардаги салкам 10 минг аҳоли атрофдаги дам олиш уйлари ва пионер лагерларига кўчирилди. Уларнинг овқатланиши таъминланди, кундалик зарур буюмлар келтирилди. Бўшаб қолган посёлкаларга милиция нарядлари етиб келди, улар қолган мол-мулкнинг дахлсизлигини, тартибни таъминлайдилар.

Шанба куни эрталаб Ғазалкентга Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов ва республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов келдилар. Вазият аниқлангач, барча бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб берилди, табиий офат оқибатларини тугатишга доир биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланди.

Вазият эса жиддий, янги вайронагарчиликлар хавфи тугагани йўқ. 21 апрель куни кулфат юз берган районда тинимсиз ёмғир ёғди. Тоғдан ҳамон бўтана сув оқими келмоқда. Посёлкаларда нураб тушган ва сув босган уйлар кўп, кўпгина ҳовлилар ва уйларда мебель, кийим-кечаклар сузиб юрибди. Ҳамма жойни сув босган, айрим ерларда кундузи ҳам сувнинг чуқурлиги бир метр бўлди. Полизлар сув ва лойқа остида қолди. Уйларини ташлаб кетишни хоҳламаган қариялар табиий офатга алам билан қарашмоқда. Бундай воқеа учинчи марта юз бераётганини айтишмоқда. Бундан олдин 1942 йилда тошқин бўлган эди. Лекин ўшанда ҳам бу даражада эмасди...

— Вазият жиддий, лекин у тўла назорат қилинмоқда, — деди республика Президенти И. А. Каримов ЎзТАГ мухбирига. — И. Ҳ. Жўрабеков бошлиқ ҳукумат комиссияси ишламоқда. У барча хизматлар фаолиятини мувофиқлаштираяпти. Одамларга алоҳида эътибор берилаяпти, улар барча зарур нарсалар билан таъминланади. Бундан ташқари республика ҳукумати жабр кўрган ҳар бир оилага 300 сўмдан пул ажратади. Давлат суғурта идоралари ҳам суғурта пули тўлаш учун уйларни текширадилар. Лекин хотиржам бўлишга вақт эрта. Табиат кутилмаган «совға» келтириши мумкин, бинобарин ҳар бир киши бунга тайёр туриши керак. Бу айниқса Тошкент областининг шу кунларда ёмғир ёғаётган ва сел келиш хавфи сақланиб турган тоғли районлари аҳолисига тааллуқлидир.

Ҳукумат комиссияси иш бошлади. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун ҳамма зарур чоралар кўрилди. Пойтахт областидаги сел келиши, тошқин бўлиши ёки тупроқ сурилиши мумкин бўлган барча участкаларни уч кун ичида текшириб чиқиш белгиланган программанинг бандларидан биридир. Бундай участкаларнинг ҳар бирида ана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

УСТА ВА ШОГИРД

●Хоразм воҳасида халқ амалий санъати кенг ривож топган. Халқ усталари томонидан яратилаётган буюмлар жилваси такрорланмасдир.

Хонқа ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида Раҳимберди отани ҳамма танийди. У 80 ёшдан ошиб кетди. Ҳали ҳам бақувват, ёшлар сингари шижоат билан меҳнат қилади. Уни ҳамқишлоқлари «Уста» деб аташади. Бу ном унга бежиз берилмаган. У сопол буюмлар тайёрлайди.

Ота қўли билан яратилган буюмлар жаҳоннинг қатор шаҳарларида намойиш этилган. Р. Матчонов СССР мусаввирлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

— Халқ анъаналарини давом эттираяпмиз, — дейди Р. Матчонов. — Шогирдларимга ҳам ҳунар ўргатаяпман. Уларнинг сони 40 дан зиёддир.

Суратқаш мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ яқинда Хоразмда бўлиб отахон билан учрашди, унинг меҳнат кунларини суратга туширди: 1. Чеҳраларидан табассум аримаётган ота ва бола Раҳимберди Матчонов ва Одилбек. 2. Уста маҳсулотларининг намунаси.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

«Пахтакор» футболчилари минглаб мухлисларни яна бир бор қувонтирдилар. Улар ўз майдонида ўтказилган иккинчи учрашувда ҳам ҳужумкорликка зўр бериш, ташаббусни қўлга олиш ва кўтаринки руҳда ўйнашга ҳаракат қилдилар. Воҳолонки, Запорожьенинг «Металлург» коллективи мавсум бошидан бери мағлубиятни тан олмай, ягона пешқадам бўлиб турган эди. Зеро, «зўрлар» билан ўйинда сира бўш келмаслик пахтакорчиларга азалий одат. Бу safar ҳам шундай бўлди.

Учрашувнинг биринчи қисмида томонлар эҳтиёткорлик билан тўп сурдилар. Меҳмонлар қандай бўлмасин ҳисобни очишга, майдон эгаларининг руҳини пасайтиришга уриндилар. Лекин, пахтакорчилар ҳужум билан мудофаа мутаносиблигига эришиш йўлида интилдилар. Танаффусга икки минут қолганда пахтакорчиларнинг навбатдаги ҳужуми муваффақиятли тугади. Дарвоза устунига тегиб қайтган тўпни Игорь Шквирин зарб билан қайтариб, ҳисобни очди. Шундан кейин футболчиларимиз кетма-кет ҳужум уюштириб, меҳмонларни фақат мудофаа билан кифояланишга мажбур қилишди. 61-минутга борганда А. Пятницкий оширган тўпни яна И. Шквирин дарвозага йўллаб, ғалабани мустаҳкамлади. Запорожье футболчилари ҳам Тошкентдан «қуруқ» қайтмасликка интилдилар. Ўйин тугашига беш минут қолганда тўп киритишга эришдилар.

Ҳар қалай пахтакорчилар мавсум бошида қўш ғалаба билан мухлисларни мамнун этдилар. Шундай ўйинлар кўрсатиб турилса, командамизни олий лигага чиқишга имкон берадиган кучли тўртликдан жой олишига умидворлик пайдо бўлади.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИНИНГ ҚУРИНИШИ

	Ю	Д	М	Т	О
Геолог	3	1	0	6-0	7
Металлург	3	0	1	7-2	6
Шинник	2	2	0	5-1	6
Пахтакор	2	1	1	6-5	5
Нефтчи	1	3	1	6-4	5
Динамо Ст	2	1	1	4-3	5
Локомотив М	2	0	0	5-1	4
Ростсельм.	1	2	1	5-5	4
Зенит	1	2	1	3-3	4
Қайрат	1	2	1	2-3	4
Таврия	0	4	1	1-2	4
Спартак	1	1	0	4-1	3
Котайк	1	1	0	3-0	3
Факел	1	1	1	3-2	3
Нистру	0	3	1	4-7	3
Тирас	0	3	2	3-9	3
Кубань	1	0	3	1-8	2
Кузбасс	0	1	2	1-3	1
Динамо Сх	0	0	2	0-3	0
Локомотив Г	0	0	3	0-6	0

Тўртинчи тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Ростсельмаш» — «Факел» 0:0, «Динамо» (Ст) — «Локомотив» (Г) — 2:0, «Қайрат» — «Нистру» — 1:1, «Локомотив» (М) — «Нефтчи» — 2:1, «Кузбасс» — «Зенит» — 1:2, «Геолог» — «Кубань» — 3:0, «Шинник» — «Динамо» (Сх) —1:0, «Спартак» — «Тирас» — 3:0, «Котайк» — «Таврия» — 0:0.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: фалсафа, ноорганик кимё, иссиқлик техникаси, тўқимачилик машинасозлиги, тўқимачилик саноати иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси;

профессор: ноорганик кимё;

доцентлар: сиёсий тарих, сиёсий иқтисод, олий математика (2), амалий математика (2), ўзбек тили, материаллар қаршилиги, толали материалларнинг механикавий технологияси (2), ишлаб чиқариш жараёнлари автоматикаси, машина деталлари (2), меҳнатни муҳофаза қилиш (2), тўқимачилик материалшунослиги (2), каноп толасига дастлабки ишлов бериш, ип йигириш, тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси (2), тикувчилик буюмларини лойиҳалаштириш, табиий шойи технологияси, тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, тўқимачилик машинасозлиги, пахтачилик саноати иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, тўқимачилик саноати иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш (2), енгил саноат иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш (4), жисмоний тарбия;

катта ўқитувчилар: рус тили (4), физика, машинасозлик чизмачилиги, толали материалларнинг механикавий технологияси, электротехника, машина деталлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ип йигириш, трикотаж ишлаб чиқариши, жисмоний тарбия;

ассистентлар: рус тили, олий математика, меҳнатни муҳофаза қилиш (2), тўқимачилик материалшунослиги, тикувчилик буюмларини лойиҳалаштириш, тўқимачилик саноати иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, енгил саноат иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, жаҳон маданият тарихи (ўзбек тилида) ,социализм назарияси (ўзбек тилида), жисмоний тарбия, ноорганик кимё;

катта илмий ходим: тўқимачилик машиналари механикаси лабораторияси.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

доцентлар: фалсафа, тўқимачилик машиналари, тўқимачилик саноати иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш;

катта ўқитувчилар: ип йигириш, толали материалларнинг механикавий технологияси;

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, кадрлар бўлими.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Арабистон давлатлари гастролига кетиш олдидан

ХУШОВОЗ ХОНАНДА

Нуриддин ҲАЙДАРОВ

ижросида

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Концертдан тушган ҳамма маблағ қурилаётган янги мачитга берилади.

Телефон: 45-93-63.

Касса соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУК ХОНАНДАЛАРИНИНГ

Байрам концертлари

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Аҳмаджон ШУКУРОВ

«ЗАРАФШОН» фольклор вокал-хореографик ансамбли

6 май соат 19.30 да

Раҳматжон ҚУРБОНОВ

«ЛАЗГИ» вокал-хореографик ансамбли

9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли «БИОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Тўрткўл районида хўжалик шартномаси асосида ишлаш учун ғўзанинг хусусий генетикаси лабораторияси катта илмий ходими ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 1 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, ГСП. Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Нуёв.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IV да **Муҳаббат навоси,** 23/IV да **Мушкул савдо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00), 23/IV да **Найнов ва панана** (премьера, 19.00).

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат қўмитаси Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоатчилиги ва ҳамкасблари **Маҳмуд ИБРОҲИМОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика радиоси жамоаси саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат соҳалари бош муҳарририяти ва катта муҳаррири У. Аҳмедовга онаси **Ёқутхон ЖАББОРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02729. № 94. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12